*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2-йил чиқиши. 22 МАРТ 1967 й. ЧОРШАНБА. № 68 (223). БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

## МАРТЕН ПЕЧЛАРИ УЧУН

*Бизнинг интервью*

**Шаҳар корхоналари ва хўжаликларида ўтган ойда темир-терсак йиғиш плани қандай бажарилди?**

Мухбиримизнинг бу саволига шаҳар халқ контроли комитетининг инспектори ўртоқ Г. Саталкин қуйидагиларни айтди:

— Пойтахт саноат корхоналари ва ташкилотлари Урал ва Қозоғистоннинг мартен печлари учун ўтган ойда 9.498 тонна қора металл тайёрлади ва уларни қайта ишлашга юборди. Темир-терсакларни йиғиш ва уларни жўнатиш бўйича шаҳар хўжаликлари ўз зиммаларига олган топшириқларини анча ошириб адо этдилар. «Ташсельмаш», «Узбексельмаш», «Подъёмник» ва бошқа бир қатор хўжаликлар темир-терсак тўплаш бўйича ойлик топшириқларини 120—125 процентга етказиб бажаришди. Тошкент шаҳар ижроия комитетининг корхоналарида пландан ташқари 67 тонна темир-терсак тайёрланди. Ташавтомашчилар эса топшириқларини 134 тонна ошириб адо этдилар.

Лекин шуни ҳам айтиш кераки, баъзи бир саноат корхоналари февраль ойи топшириғини бажаролмади. Бунга, Ўзбекистон трактор-йиғув заводи мисол бўла олади. Ўнлаб тонна металл занглаб ётганига қарамай, завод ўтган ойда 6 тонна темир-терсакни кам топширди.

Шаҳримиз саноат корхоналари партия ва ҳукуматимизнинг темир-терсак тайёрлаш ҳамда қора ва рангли металл чиқиндиларини камайтириш бўйича тадбирларни кучайтириш ҳақидаги қарорига жавобан кўплаб металларни тўплашда жонбозлик кўрсатиши лозим.

## МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

**Пойтахтимиздаги 5-трест, 3-қурилиш бошқармасига қарашли 3-қурилиш участкасида қурилиш ишлари қизғин. Участка қурувчилари 632 ўринли ётоқхонани муддатидан илгари қуриб топшириш мажбуриятини олганлар.**

**Физкультура кўчасида қад кўтараётган бу бинога Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчи ва хизматчилари кўчиб ўтишади. Бинони тезкорлик билан қураётган С. Поподис, Ҳ. Машков, Ш. Воҳидов, Ю. Ефдишова, В. Петрупулова сингари турли касб эгалари кунлик иш нормаларини ортиғи билан адо этиб келмоқдалар.**

**Ҳозир бинонинг пастки қаватида пардозлаш ишлари жадал бормоқда. Моҳир пардозловчилардан Т. Гишамитдинова, В. Короленко, Н. Муратова, Н. Козловский, А. Гиюкина каби ишчилар кунлик иш нормаларини ортиғи билан бажаришмоқда.**

## 4500 ТАКЛИФ

Қурувчи ишчилар ва қурилиш материаллари саноати ишчилари касаба союзлари республика Комитети корхоналар маъмуриятлари ва ишчилар коллективлари ўртасида 1967 йил учун тузилган шартноманинг дастлабки натижаларини кўриб чиқди.

Шартномаларни муҳокама этишда инженер-техник ва турли касб эгаларидан олти мингдан ортиқ киши қатнашди. Булар бажарилган ишларнинг сифат кўрсаткичларини оширадиган ҳамда турар-жой ва маиший хизмат кўрсатишга оид 4500 та фойдали таклиф киритдилар.

— Бу ишлар, — дейди касаба союзлар комитетининг раиси И. М. Парамошкин,— пойтахтдаги 159-қурилиш трестига қарашли 8- ва 22-қурилиш бошқармаларида пухта ва изчиллик билан амалга оширилди. Бу қурувчилар шартномани ҳар томонлама муҳокама қилиб кўрдилар.

Қурилиш бошқармаларининг коллективлари Совет ҳукуматининг 50 йиллик юбилейи арафасида ҳам шаҳар қурилишларида ўзларининг сифатли ишлари, илғорликлари ва тежамкорликлари билан бошқа қурилиш бошқармаларига ўрнак бўлмоқдалар.

## РАЙОН СОВЕТЛАРИНИНГ СЕССИЯЛАРИ

**Куйбишев** район Советининг сессиясида ташкилий масалалар кўрилиб, ўртоқ М. Хўжаев район ижроия комитетининг раиси, А. Муинов, Л. Тихонова ўртоқлар раис ўринбосарлари қилиб сайландилар.

Сессия 13 та доимий комиссия ва маъмурий ҳамда ўсмирлар ўртасида ишлаш комиссияларини ташкил этди. Ўртоқ А. Мартинов район ижроия комитети раисининг жамоатчилик асосида ишловчи ўринбосари қилиб сайланди.

Сессия иштирокчиларига районда Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига тайёргарликнинг ва шаҳримизни ободонлаштириш ишининг бориши тўғрисида ахборот берилди.

* * *

Меҳнаткашлар депутатлари **Ленин** район Советининг бўлиб ўтган сессиясида ҳам ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Ўртоқ М. Лебединская район ижроия комитети раиси, Ж. Шахбозов ва В. Бирюков ўртоқлар раис ўринбосарлари қилиб сайланди. Район ижроия комитети ҳузурида 12 та доимий комиссия тузилди.

Шунингдек, сессия район ижроия комитетига сайловчилар наказлари ижросининг бориши тўғрисидаги масалани келгуси сессия кун тартибига тайёрлашни топширди.

* * *

**Киров** район Советининг сессиясида ўртоқ З. Шобурхонов район ижроия комитетининг раиси, А. Расулев, М. Фастишков ўртоқлар раис ўринбосарлари қилиб сайландилар.



**Коммунист Умар Ҳусанов Тошкент ремонт-механика заводининг пешқадам слесарларидан ҳисобланади. У шу корхонада етти йилдан буён меҳнат қилиб, ўзининг ҳалол меҳнати билан коллектив обрўсини қозонди. Бу ёш ишчи Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги шарафига смена ва ойлик топшириқларини 130—140 процент адо этаётир.**

**СУРАТДА: У. Ҳусанов.**

**М. Нуриддинов** фотоси.

## Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1967 йил 20 мартда «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист» фахрий унвонини белгилаш тўғрисида Фармон қабул қилди ва ана шу Фахрий унвонга сазовор бўлган кишилар учун кўкракка тақиладиган нишон таъсис этди.

«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист» деган фахрий унвон план, молия, банк, статистика органлари, министрликлар, бошқармалар, корхоналар, қурилишлар, муассасалар, ташкилотлар, колхоз ва совхозларнинг юқори малакали экономист-планчилари, экономист-молиячилари, экономист-кредитчилари, экономист-статистикачилари ва экономист-товаршуносларига, илмий-тадқиқот институтларининг ходимларига, шунингдек республикадаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқитувчиларига бериладн. Улар ўз ихтисослари бўйича камида 15 йил ишлаб Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги амалий ёки илмий-педагогик фаолиятида алоҳида намуна кўрсатган бўлишлари шарт.

## „СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ" саҳифаларида

● АССАЛОМ, РУС ХАЛҚИ, БУЮК ОҒАМИЗ! Октябрнинг 50 йиллиги шарафи-ла Россия Федерациясига бағишланган ҳафталик газетанинг шу сонидан бошланиб, рус халқи билан абадий дўстлигимизни мадҳ этувчи хилма-хил материаллар берилган.

● Австрия федерал канцлери доктор Иозеф Клаус 21 мартда Москвадан жўнаб кетди.

● 21 мартда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида иқтисодчиларнинг республика кенгаши очилди.

## СУМКАДА ХОЛОДИЛЬНИК

Ёз яқинлашиб келяпти. Меҳнаткашлар ҳафталик самарали меҳнатдан сўнг тоғ ён бағирларига, шаҳар атрофидаги хушманзара жойларга, кўл ва дарё бўйларига бориб дам оладилар ва кўнгилли хордиқ чиқарадилар.

Булар қандай яхши ва кўнгилли ўтмасин, кишига ёқмайдиган бир томони бор. У ҳам бўлса, сафар анжомлари билан бирга олиб кетилган емак-ичмаклар ёзнинг иссиқ кунларига бардош беролмайди. Ҳаво ҳароратида бузилиб, озиқ-овқатнинг таъми ҳам ўзгаради. Натижада киши иштаҳа билан овқатлана олмайди.

Агар, сиз сафар сумкасига жойлаган холодильникдан сотиб олсангиз, бундан кийналмайсиз. Горький шаҳри яқинидаги Богородск кўн-галантерея фабрикаси яқин орада ана шундай сумкалар ишлаб чиқара бошлайди. Бу сумка ташқи кўринишидан хотин-қизлар бозор-ўчарга борганда ўзи билан бирга олиб юрадиган оддий сумкалардан хеч қандай фарқ қилмайди.

Сумканинг ичида на батарея ва на туртиб чиққан холодильник аппаратлари бор. Сумка ичидаги астари короландан тайёрланган бўлиб, юмшоқ пластикдан ясалган иккита халтачаси бор, холос. Сумканинг сир-асрорлари ҳам худди ана шу халтачаларда. Бу халтачалар орасига совуқ ҳосил қиладиган моддалар жойланган. Сафар олдидан бу элементлар уй холодильнигида 8—10 соат сақланади. Сафарга чиққанда эса бу халтачаларга солинган озиқ-овқатлар ҳам ана шунча вақт ўз хусусиятини сақлаб туради ва бузилмайди.

Бу йил богородликлар бундай сумка-холодильнигидан 30 минг донасини ишлаб чиқарадилар. Унинг тахминий баҳоси 20 сўм атрофида.

Суратда: ана шу сумка-холодильнигни ёқиб қолган горькийлик харидорларни кўриб турибсиз.

**М. МАСКИН.**

автор фотоси.



## 75 ХИЛ ЯНГИ ПОЙАФЗАЛ

**Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикаси ишчилари ҳозир ёзги мавсум пойафзалларини ишлаб чиқаришга киришдилар. Аёллар пойафзали цехида чиройли, бежирим туфли ва сандалларнинг 10 дан ортиқ модели ўзлаштирилган. Биринчи квартал топшириқларини ўринли адо этаётган цех коллективи пландан ташқари минглаб жуфт пойафзал тайёрлади.**

**Фабриканинг қўли гул косиблари пойафзалларнинг 75 дан ортиқ янги моделини ўзлаштириб, ишлаб чиқаришга бел боғлашган. Бу уларнинг юбилейга ажойиб совғаси бўлади.**

**Корхона коллективи саратовлик ҳамкасблари системаси асосида ишлашга ўтиб, яхши ташаббус кўрсатди. Натижада маҳсулот харидор талабига мос, сифатли бўлмоқда.**

**Улуғ Октябрнинг юбилей вахтасида туриб меҳнат қилаётган пойафзалчилар пландан ташқари 20 минг жуфт пойафзал тайёрлашга ва 590 минг квадрат дециметр чарм тежаб қолишга аҳд қилишган.**

*Тошкент бунёдкорлари*

## ИШБИЛАРМОН КОЛЛЕКТИВ

Бу ерда ҳаёт қайнамоқда. Бу ерда янги Тошкентни бунёд этувчилар меҳнат қилишмоқда. Уларнинг қўли-қўлига тегмайди. Бири дераза бўямоқда, иккинчиси бўялган деразага ойна соляпти, яна бири бино деворига сайқал беряпти. Мана, беш қаватли каттагина бинонинг биринчи қаватидамиз. Бу ерда моҳир сувоқчилар уч группага бўлиниб хоналарни тез ва сифатли сувоқдан чиқармоқдалар.

— Бу сувоқчилар бригадасининг бошлиғи бўлади,— дейди участка мастери Зокиржон Аҳмедов, кичик курақчада деворга лой чаплаётган норғил рус йигитини бизга кўрсатар экан — исми Николай, топшириқларни доимо ортиғи билан бажаради...

Николай Белков бошчилик қилаётган сувоқчилар бригадаси 17 кишидан иборат. Бир-биридан ғайратли, ишбилармон бўлган бу коллективни гўё бир оила фарзандлари дейсиз. Булар ҳар куни 4—5 хонани сифатли қилиб сувамоқдалар. Ҳозиргача 60 га яқин хона қўлдан чиқарилди. А. Косеров, С. Одилов каби моҳир сувоқчилар кунлик нормаларини 140-150 процентдан адо этмоқдалар.

Биз Зокиржоннинг таклифи билан иккинчи қаватга кўтарилдик. Бу ерда ҳам иш қизғин. Ёнгинамиздаги хонада икки дурадгор эшик ўрнатяпти. Нарироқда эса тўладан келган, сарғиш сочли рус қизи Рая Тергулова дурадгорлар эндигина ўрнатган деразага бўёқ суртмоқда.

— Бу бинода 19 дурадгор усталаримиз меҳнат қилишади,— дейди Зокиржон, — қолган 21 таси эса 5-уй қурилишида ишлашмоқда. Борис Туклов, Валерий Юрлов каби илғор дурадгорларимиз кунлик нормаларини 1,5—2 баравардан орттириб бажармоқдалар. 25 ишчидан иборат бўлган 3 та бўёқчилар бригадаси аъзолари ҳам ғайрат камарини белларига маҳкам боғлаганлари холда мана шу 3-бинога пардоз беришяпти. Дераза, эшик, полларини сифатли бўёқдан чиқаришда М. Хусанова ва О. Ишинко каби қизларнинг ҳиммати баланд бўлмоқда.

Ҳа, Оқтепа массивидаги 5 қаватли, ҳар бири 88 квартирали 3,5 ва 7-турар жой бинолари ва 440 ўринли болалар боғчаси биносини «Отделстрой»нинг ўртоқ Нурмат Соатов бошчилик қилаётган 1-участка пардозчилари пардозламоқдалар. Булардан ташқари участка сувоқчилари билан Чирчиқ билим юртидан 4 ойлик практикага келган 12 ўқувчи ёнма-ён туриб беллашяптилар. Бу қўли гул пардозчилар 3-бинони 10 апрелгача қўлдан чиқариб, уни ҳамшаҳарларимизга совға этиш йўлида жонбозлик кўрсатиб ишламоқдалар.

## ФОЙДАЛИ УЧРАШУВ

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика кафедраси қошида иш олиб бораётган журналистика тўгараги аъзоларининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Машғулотга «Ўзбекистон матбуоти» журнали редакцияси ходимлари таклиф қилинди.

Журналнинг маъсул секретари П. Иванов журнал олдида турган вазифалар ҳақида ҳикоя қилиб берди. Шундан сўнг сўзга чиққан журналистика бўлимининг студентлари журналда босилган мақола ва тақризлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Журналистика кафедрасининг доценти В. Абдуллаев, кафедранинг ўқитувчиларидан Т. Пидаев, М. Худойқуловлар ҳам журналнинг аҳамиятли жиҳатлари ҳамда камчиликлари тўғрисидаги ўзларининг фикр ва таклифларини баён қилишди.

## ЕР ШАРИДАН ХАБАРЛАР

### Америка ҳарбийларининг ваҳшиёна ҳаракатлари

ВАШИНГТОН, (ТАСС). Пентагон маълумотларига кўра, Американинг Шарқи-Жанубий Осиёдаги ҳарбий қўмондонлиги ўз аслаҳа омборларида 209 минг тонна авиация бомбаларини тўплаган. Бугун, «Вашингтон пост» газетасининг расмий манбаларга асосланиб хабар беришига кўра, АҚШнинг ана шу райондаги ҳарбий хаво кучлари ва ҳарбий денгиз флотига кейинги вақтларда ҳар ойда қарийб 98 минг тоннадан бомба етказиб берилган. Ана шу жуда катта бомба омборларидан Шимолий Вьетнамнинг тинч шаҳар ва қишлоқларига Америка самолётлари ҳар ойда 68 минг тонна ажал уруғи ёғдирганлар. Америка ҳарбийлари Вьетнамда ваҳшийларча ҳаракатларини давом эттирмоқдалар. Бундан аввало Шимолий Вьетнамнинг ҳам, Жанубий Вьетнамнинг ҳам аҳолиси жафо чекмоқда.

### Меҳнаткашлар манфаатларига зид

ГАВАНА, (ТАСС). Чили давлат техника университетининг студентлар федерацияси мазкур ўқув юртнинг раҳбарлигига мурожаат қилиб, Америка «Тинчлик корпуси»нинг 29 агентини университетдан дарҳол ҳайдаб чиқаришни талаб қилди. Пренса Латина агентлигининг мухбири Сантьягодан хабар беришича, «Тинчлик корпуси»нинг агентлари «кўнгилли» ходимлар деган ном билан ниқобланиб «сиёсий ишларга очиқдан-очиқ аралашмоқдалар ва жосуслик билан шуғулланмоқдалар».

### СТУДЕНТЛАР НАМОЙИШИ

ЛОНДОН. Лондондаги экономика мактабининг бир неча минг студенти ва мамлакатнинг бошқа ўқув юртларида улар билан бирдам бўлган ўқувчилар 17 мартда Англия пойтахтининг кўчаларига чиқиб норозилик намойиши ўтказдилар.

Студентлар мактаб маъмурияти студентлар раҳбарларидан 2 тасини машғулотлардан четлаштирганлигига қарши норозилик билдирмоқдалар. Улар «бизни қўрқита олмайсиз», «Университет ишларида қатнашиш ҳуқуқини беринг», «биз адолатни деб машғулотларни тўхтатдик» деб ёзилган плакатларни кўтариб бордилар. (ТАСС).

### Қуролланишга миллиард-миллиард маркалар

БОНН. Бонн ҳарбий министрлигининг бюджети 1960 йилдан 1966 йилгача ўтган етти йил мобайнидагина 116 миллиард маркадан иборат жуда катта суммани ташкил қилди. Кизингер ҳукумати яқин йилларда ҳам ҳарбий мақсадлар учун тобора кўпроқ маблағлар ажратишни планлаштирди. 1967 йилда ГФР ҳарбий бюджети ўтган йилдагига нисбатан қарийб 2,5 миллиард марка ошиб, 20 миллиард маркадан ҳам кўпайиб кетади.

Ғарбий Германиядаги қуролсизланиш кампанияси ташкилотининг матбуот бюллетени шу маълумотларни келтирар экан, урушга тайёргарлик кўриш учун кетадиган бевосита харажатлар мазкур маблағларга кирмаганлигини кўрсатиб ўтади, Матбуот бюллетени ГФР аҳолиси Европада энг юксак солиқ тўлаётганлигини қайд этар экан. Ғарбий Германияда ишлаб турган ҳар бир киши 1966 йилда 685 марка тўлаганлигини кўрсатади. Бу пул ҳарбий мақсадларга сарфланган.

### ВЬЕТНАМДАГИ УРУШГА ҚЎШИМЧА МАБЛАҒ АЖРАТИЛДИ

ВАШИНГТОН. Президент Жонсон 1967 молия йилида Пентагонга қўшимча яна тўрт миллиард 548 миллион 200 минг доллар пул ажратиш тўғрисидаги қонунга қўл қўйди. Бу маблағ Вьетнамдаги уруш муносабати билан 1967 молия йили учун қўшимча равишда ажратилган 12 миллиард доллардан ортиқроқ умумий маблағнинг фақат бир қисмидир. (ТАСС).

### «Озод ассамблея»

ПАРИЖ. Мадрид университети сиёсий ва иқтисодий фанлар факультетининг 1500 студенти яқинда «репрессияларга қарши» шиори остида «озод ассамблея» ўтказдилар. Франко маъмурлари бундай мажлислар ўтказишни таъқиқлаган эдилар. Университет студентлари ёшлар активистларига нисбатан кўрилган чораларни бекор қилишни ва сиёсий характердаги ишларни кўриб чиқувчи «жамоат тартиби трибунали»ни йўқ қилишни талаб этдилар.

*Барака — тежамда*

## ДИЛДАГИ ГАПЛАР

Кўрик комиссиясининг завод бўйича тарқатган бюллетенларида республикамиз халқ хўжалигида иқтисод қилиш ва тежамкорлик кўригининг моҳияти, унинг келтирадиган самаралари айтилиб, ҳар бир ишчи бу кўрикда актив қатнашиши сўралди. Бюллетеннинг иккинчи томонида эса ишчининг таклифи, мулоҳазаси учун жой қолдирилган. Қисқа вақт ичида ана шундай бюллетенларнинг кўпчилиги тўлдирилган ҳолда завод кўрик комиссиясига келиб тушди. Бунда корхона ишчилари заводдаги ички имкониятлардан янада самаралироқ фойдаланишни, рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этишни, хуллас ўзлари дилларига тугиб юрган гапларни ёзишган эди...

Комиссиянинг навбатдаги мажлисида ана шу таклифларнинг муҳокамаси бўлди.

— Кўрик комиссияси номига қисқа вақт ичида 50 га яқин таклиф тушгани қувончли, — деб сўз бошлади завод партия ташкилотининг секретари Ленмар Халилов. — Бугун шу таклифларни бирма-бир кўздан кечирсак...

У шундай деди-да, стол устида турган бюллетенни олди.

— Мана бу таклиф реставрация участкасининг мастери Улимбековдан тушибди. У ўз таклифида галваника участкасида ишни 2 сменада ташкил этишни айтади. Бунинг яхши томони, дейди у таклифида, ишлаб бўлинган материаллардан самарали фойдаланиш — подшипник маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада яхшилайди, бу эса маҳсулот сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

Мастернинг бу таклифи маъқул деб топилиб, ишлаб чиқаришга жорий этишнинг конкрет йўллари белгиланди.

Шундан кейин кўрик комиссиясининг раиси, завод директори ўринбосари М. Г. Баргдан тушган қимматли таклифни ҳам комиссия аъзоларига айтиб берди. Бу таклифда металлар сақланадиган омбордаги ортиш-тушириш ишларини бутунлай механизациялаш мумкин эканлиги айтилган эди. Гап шундаки, шу пайтгача бу ерда амалга ошириладиган ишнинг ярми қўлда, ярми автоматда бажариларди. Бу эса беҳуда вақт сарфланишига сабаб бўларди. Баргнинг шу ишни махсус механизмлар ёрдами билан бажариш мумкин эканлиги ҳақидаги таклифи заводга кўп фойда келтириши, кўплаб вақтни тежаши мумкин экан!...

Хуллас, комиссиянинг шу кунги мажлисида ана шунга ўхшаш кўплаб таклифлар қараб чиқилди. Бунда комиссия аъзоларидан Ю. Летучев, В. Поликарпов, Г. Курджев, И. Дороховский ва бошқа ўртоқлар таклифларнинг кўпи яхши самара бериши мумкинлигини бир оғиздан тасдиқлашди.

Мажлисдан икки кун ўтгач, завод маъмурияти кўрик комиссияси аъзолари тақдим этган ишчилар таклифини маъқуллаб буйруқ чиқарди.

Шу кунларда металл сақланадиган омбордаги ишларни тўла механизациялаш юзасидан белгиланган тадбирлар кўрик комиссияси маъқуллаган таклиф асосида амалга оширияпти. Завод технологи Александр Ремневнинг подшипниклар ички ғилдирагини текислаш учун эрийдиган рессор головкаларини тайёрлаш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш тўғрисидаги таклифи асосида ҳам ишлар олиб борилмоқда.

— Кейинчалик, ана шу таклифлар шубҳасиз яхши самаралар беради,— дейди ўртоқ Л. Халилов,— ахир бу қилинаётган ишлар ҳар биримизнинг дилимиздаги гаплардир. Чунки, заводда ишлаган ишчигина уернинг пасту баландини, қайси нарсага етарли эътибор бериш лозимлигини билади-да! Ана шунинг учун ҳам уларнинг таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда...

Заводда тежам учун, брак маҳсулот чиқармаслик учун бутун коллектив курашмоқда. Завод ишчи, инженер-техник ходимлари Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига социалистик мусобақани қизитиб, январь ва февраль ойи ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш топшириқларини ошириб адо этди, планга қўшимча бир неча минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шу ойлар ичида меҳнат унумдорлиги 6 процент ошди, маҳсулот таннархини пасайтириш ҳисобига пландан ташқари 4 минг сўм иқтисод қилинди.

Буларнинг ҳаммасида кўрик комиссияси аъзоларининг ишчилар ўртасида олиб борган тушунтириш ишлари самараси бор албатта.

Шонли юбилейни янги зафарлар билан кутиб олиш, янги-янги рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этиб, давлатнинг кўплаб маблағини тежаб қолишга аҳд қилган Подшипник заводининг меҳнатсевар коллективи шу кунларда бир жон, бир тан бўлиб меҳнат қилмоқда.

**С. ЁҚУБОВ.**

